

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТНИНГ ЁШЛАР МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ

Жамолiddин Абдурахимович Маманов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети катта ўқитувчиси
mamanovj@mail.ru

Жасурбек Машарибович Розиков

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети катта ўқитувчиси
jas.07@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада миллий менталитет ва бугунги кун ёшларининг маданият шакллари ўзлаштириш қобилиятлари ҳамда янги маданият намуналарига бўлган ўзига хос муносабатлари тарихий мисоллар, атоқли файласуфларнинг ижодий ғоялари асосида таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада миллий менталитетнинг таркибий қисмлари, менталитетни шакллантирувчи омиллар минтақавий асослар мисолида ўрганилган.

Калит сўзлар: менталитет, миллий менталитет, ижтимоий ҳарактер, иқтисодий базис, ёшлар, маданият, иқлим, жамият, урф-одатлар, ишлаб чиқариш усуллари, маънавий қадриятлар.

INFLUENCE OF NATIONAL IDENTITY ON YOUTH CULTURE

Jamoliddin Abdurakhimovich Mamanov

Senior Teacher, Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

Jasurbek Masharibovich Rozikov

Senior Teacher, Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

ABSTRACT

The article analyzes the abilities of national mentalists and modern youth to master the forms of culture and their specific attitudes to the samples of a new culture based on historical examples, creative ideas of outstanding philosophers. The article also examines the components of the national mentality, the factors that form the mentality, using the example of regional bases.

Keywords: mentality, national mentality, social character, economic basis, youth, culture, climate, society, traditions, production methods, spiritual values.

КИРИШ

Ёшлар маданият намуналарини фаол ўзлаштиручиларидир. Жамиятда тарбия топаётган келгуси авлод ўзидан олдинги авлоднинг эришган ютуқлари, анъана ва маросимлари, урф-одатлар бир сўз билан айтган маданият намуналарини ўзлаштирибгина қолмай, болки уни ривожлантиради ва кейинги авлодга етказди. Мана шу ёшларнинг маданият намуналарини ўзлартиришлари жараёнида бир қатор муаммолар келиб чиқадики, уларни аниқлаш ва ўзига хос ижобий ечимларни топиш муҳим масаладир. Хусусан, халқнинг асрлар давомида ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтиш асносида шаклланган миллий менталитет хусусиятларини ёш авлод томонидан ўзлаштирилиши жараёни мураккаб жараён дир. Ёшларнинг ҳаётда фаолият олиб боришларида қайси менталитет хусусиятларини ўзлаштирганликлари асосий ўринга эгадир. Шу нуқтаи назардан менталитетни ўрганиш ва илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ўта долзарб ҳисобланади.

Менталитет ўзини маълум миллат, халқ миллий менталитетида ўз аксини топади. Миллий менталитетнинг ўзаги бу ижтимоий характер дир яъни ўз хусусиятларини ижтимоий характер орқали намоён этади. Хўш, ижтимоий характер қандай қилиб миллий менталитетда ўзини намоён қилади?

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ижтимоий характер асосан ишлаб чиқариш усули талаблари ва хусусиятлари асосида шаклланади. Моддий неъматларни ишлаб чиқариш халқ ҳаётининг асосини ташкил этсада, аммо халқ ёлғиз моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан чегараланиб қола олмайди. Ҳар бир халқ ҳаётида маданий, маънавий, сиёсий, диний соҳалар ҳам катта ўрин тутади. Аслида ана шу соҳалардаги кадриятларнинг шаклланишида ҳам ижтимоий характернинг таъсири етакчи роль ўйнасада, аммо уларнинг шаклланишига турли-туман бошқа омиллар ташқи таъсир, тарихий тараққиёт йўлининг ўзига хослиги, географик шарт-шароитдаги маълум ўзига хослик (икки мамлакат ўртасида иқлимий жиҳатдан ўхшашлик бўлсада, аммо айнан бир хил бўлиши мумкин эмас) маълум бир халқ менталитетининг шаклланишидаги ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Демак, умумий (ўхшаш) географик шарт-шароит умумий (ўхшаш) ишлаб чиқариш усулини, умумий (ўхшаш) ишлаб чиқариш усули эса умумий (ўхшаш) ижтимоий характерни яратади. Умумий (ўхшаш) ижтимоий характер асосида умумий (ўхшаш) менталитет шаклланади. Аммо икки ёки бир неча халқ, миллатлар менталитети ўртасидаги ўхшашлик худди ана шу халқлар, миллатлар ижтимоий характерлари ўртасидаги ўхшашликка нисбатан қоида тариқасида

камроқ бўлади. Яъни икки халқ ижтимоий характерларида минтақавий хусусиятлар кучлироқ бўлгани ҳолда ўша халқ менталитетида миллий хусусиятлар кўпроқ намоён бўлади.

Демак, биз энди ижтимоий характер билан миллий менталитет орасидаги боғланиш ҳақида маълум мулоҳазага эга бўлдик деб айта оламиз: миллий менталитет - бу маълум бир ишлаб чиқариш усули асосида шакллланган ижтимоий характернинг миллий хусусиятлар билан бойиган шаклидир.

Кўпчилик тадқиқотчилар бир нарсага кўпроқ урғу берадилар: миллий менталитет тарихий тараққиёт жараёнида маълум даражада ўзгаришларга учрасада, аммо бу ўзгаришлар жуда секин юз беради. Хўш нима учун миллий менталитетдаги ўзгаришлар жуда секин юз беради? Умуман олганда, жамият иқтисодида устувор бўлган ишлаб чиқариш усули ўзгармасдан туриб миллий менталитетда жиддий туб ўзгаришлар юз бериши мумкин эмас. Аммо, маълум бир жамиятда ишлаб чиқариш усули тубдан ўзгармаган пайтда ҳам ишлаб чиқариш самандорлигининг ўсиши, сиёсий ва бошқа ташқи таъсир омиллари туфайли миллий менталитетда маълум ўзгаришлар юз бериши мумкин. Мазкур нуқтаи-назардан дунё халқларини икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Доимо, тўхтовсиз оддийдан мураккабга ва қуйидан юқорига қараб ривожланиб боровчи жамиятлар. Динамик ривожланиб боровчи жамиятлар.

2. Тараққиёти даврий (турғун) шаклга эга бўлган жамиятлар.

Тараққиётнинг доимо илгарилаб боровчи шакли иқтисодиёти лалмикор деҳқончилика асосланган (Ғарб) жамиятларидир.

Тараққиётнинг иккинчи шакли эса асосан кўчманчи-чорвадорлар ҳамда суғорма деҳқончилик билан яшовчи (Шарқ) жамиятларига хосдир.

Динамик ривожланиб боровчи жамиятларда гарчи ишлаб чиқариш усулида кескин ўзгариш юз бермасада, ишлаб чиқариш унумдорлиги тўхтовсиз ошиб боради. Ишлаб чиқаришга илм-фан янгиликларини жорий этиш йўлида тўсиқларнинг камлиги туфайли саноат ишлаб чиқариш усулининг ҳам секин-аста иқтисодиётдаги улуши ортиб боради. Иқтисодиётнинг ўсиши, илм-фан ривожини, шаҳарлар аҳолисининг ўсиши маънавий, маданий ҳаётдаги янгиликлар аҳоли менталитетида ҳам маълум ўзгаришлар пайдо қилади. Аммо бу ўзгаришлар тарихий тараққиёт жараёни билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам уни тезда пайқаш қийин. Аҳоли ижтимоий характери ва миллий менталитетида сезиларли сифатий ўзгаришлар юз бериши учун қоида тариқасида бир неча авлод умри керак бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу юқорида айтилганлар Ўрта асрларга, тараққиёт жуда ҳам сустр бораётган даврларга тегишлидир. Аммо XIX, айниқса XX асрга келиб Ғарб мамлакатларида тараққиёт мисли кўрилмаган суръатларга эришди. Энди деярли ҳар бир Ғарб мамлакати иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги эмас, балки саноат ишлаб чиқариши етакчи ўринга кўтарилди. Саноатлашган индустриал ишлаб чиқаришнинг жамият олдига қўядиган талаблари қишлоқ хўжалигига асосланган ишлаб чиқариш усули талабларидан кескин равишда фарқ қилади. Масалан қишлоқ хўжалигига асосланган ишлаб чиқариш усулига нисбатан саноатлашган ишлаб чиқариш усули ишчи ходимларнинг юксак даражада билимли, маҳоратли, уюшган ҳамда тартиб-интизомли бўлишини талаб қилади. Агарда феодал жамияти анъаналарга, барқарорликка асосланган жамият бўлса, саноатлашган жамият ҳаракат ва ташаббусга, шахсий тадбиркорликка суянувчи жамиятдир. Шарқ мамлакатлари орасида ҳам XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадал сўратларга ривожланган мамлакатлар мавжуд. Масалан Тайвань давлатини олайлик. Агар 50-йилларда мамлакатда асосан пахта ва кимёвий воситалар тайёрланган бўлса, 70-йилларга келиб у саноат махсулотлари экспорт қилувчи йирик давлатга айланди. 1952-95 йилларда йиллик иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 6,3 фоизни ташкил этди.[1] Мана шу жадал иқтисобий ўсиш мамлакатни саноатлашган жамиятга айлантирди ҳамда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолиги ошиб борди. Хусусан 1951 йили Тайвань давлатининг қишлоқ хўжалиги махсулотларининг экспортдаги улуши 91,9 фоиз, саноат махсулотлари 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1990 йили вазият тамоман ўзгача тус олди: қишлоқ хўжалиги махсулотлари улуши 4,4 фоизни, саноат махсулотлари 95,5 фоизни ташкил этди. Мамлакатдаги жадал иқтисобий ривожланиш ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга олиб келди. Жумладан, ўрта синфнинг қудратли ижтимоий кучга айланиши жамиятда сиёсий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги учун шарт-шароитлар яратди.[2]

Айрим тадқиқотчилар фикрича менталитетни ўзгартириш ниҳоятда қийин иш бўлиб уни тарбия воситасида ўзгартириш учун 100 (юз) йил вақт керак бўлар эмиш.[3]

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб миллий менталитет ҳар бир жамиятга хос бўлган ишлаб чиқариш усули асосида шаклланади деган фикр асоссиз эмаслигига яна бир бор иқдор бўламиз.

Тараққиётнинг иккинчи йўли кўчманчи-чорвадорлар ҳамда иқтисодиётида суғорма деҳқончилик устувор бўлган халқларга хос бўлиб бу йўл тараққиётнинг нисбатан турғунлиги билан ажралиб туради.

Бизнинг фикримизча, миллий менталитетнинг ижтимоий характердан ташкил топган қисми яъни ўзак қисми энг барқарор қисмидир. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ижтимоий характер асосан ишлаб чиқариш усулининг талаб ва эҳтиёжлари асосида шаклланади. Модомики, ижтимоий характер ишлаб чиқариш усулининг талаб ва эҳтиёжлари асосида шаклланади экан, демак маълум бир жамиятга хос бўлган ишлаб чиқариш усули ўзгармасдан туриб ижтимоий характерда ҳам ўзгаришлар бўлишини кутиш мумкин эмас.

Миллий менталитетнинг асосий таркибий қисми бўлган ижтимоий характер мазкур жамиятга хос бўлган ишлаб чиқариш усулининг талаб ва эҳтиёжлари асосида шаклланади. Ижтимоий характер миллатнинг ўзига хос бошқа хусусиятлари - миллий ўзликни англаш даражаси, миллий ғоя, диний эътиқод, фалсафа, санъат, адабиёт, қадриятлар тизими ва ҳокозоларда ўз ифодасини топади, уларга ўз таъсирини ўтказади, уларга ўз муҳрини босади. Шундай қилиб кўрамизки, миллий менталитет маълум ишлаб чиқариш усули асосида шакланган ижтимоий характер билан миллатга хос бошқа барча хусусиятларнинг ўзаро таъсирлашувидан келиб чиқар экан.

Бу ерда ушбу алоқадорликнинг таг-заминини англаш муҳим. Ижтимоий характер жамиятда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш усули - иқтисодий базис билан мазкур жамиятда қарор топувчи ғоялар, эътиқод, диний, сиёсий ва ҳокозо қадриятлар ўртасидаги боғловчидир. Шундай қилиб кўрамизки, Эрих Фромм тўла-тўқис ҳақ бўлиб чиқмоқда - жамиятнинг ҳукмрон ишлаб чиқариш усули-иқтисодий базис билан мазкур жамиятда мавжуд бўлган сиёсий устқурма ўртасидаги боғловчи вазифасини жамоавий характер бажаради.

Эрих Фроммнинг фикрича бу таъсир бирёқлама эмас, балки икки ёқламадир. Яъни, нафақат базис устқурмани белгилайди, балки, устқурма, яъни жамиятда мавжуд бўлган қадриятлар, ғоялар ҳам базисга ўз таъсирини кўрсатади. Мантиқий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, бу фикрнинг ҳам тўғрилигига ҳеч шубҳа йўқ - жамиятда мавжуд бўлган ғоялар, қадриятлар, илмий, диний, фалсафий қарашлар жамиятнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб бораверади. Натижада бир куни жамиятнинг ишлаб чиқариш усулида туб ўзгариш юз беради. Иқтисодий базисда юз берган ўзгариш ижтимоий характерни ўзгартириб юборади, бу эса ўз навбатида миллий менталитетни, сиёсий устқурмани ҳам ўзгартиради ва ҳокозо.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Лекин бу юқорида айтилган фикрлар бутун кишилиқ жамиятининг тараққиёт йўлини ифода эта олмайди.

Қишилиқ жамияти тарихини ўрганишга доир бир неча ёндошувлар бўлиб, булар:

1. Формацион;
2. Цивилизацион;
3. Социологиядаги географик мактаб.

Формацион ёндошув - назария бўйича кишилиқ жамияти бирин-кетин келадиган бешта босқич-формациядан иборатдир:

1. Ибтидоий жамоа тузуми;
2. Кулдорлик;
3. Феодализм;
4. Капитализм;
5. Коммунизм.

Мазкур назарияга мувофиқ жамият тараққиётининг асоси ишлаб чиқариш кучларнинг ўсишидир. Яъни мазкур назария бўйича у ёки бу жамиятга хос бўлган ишлаб чиқариш кучларининг даражасига мувофиқ равишда мазкур жамиятда мулкчилик ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари яъни иқтисодий базис ташкил топади.

Атоқли файласуф Эрих Фромминг таъкидлашича “на Маркс, на Энгельс иқтисодий базис қандай қилиб мафкуравий усткурмани ҳосил қилишини кўрсатиб бермаган”. [4]

Марксизмни кўпчилик тор синфийлиги ҳамда зўравонликка мойил қарашлари учун ҳақли суратда танқид қилишади. Аммо марксизмнинг яна бир иллати-жамият тараққиётини белгиловчи омилларни ишлаб чиқариш кучларининг ривожини билан чегаралаб қўйганлигидир. Гарчи, ишлаб чиқарувчи кучлар жамият тараққиётида фаол ўрин тутсада, аммо у жамият тараққиётини белгиловчи бирдан-бир омил бўла олмайди. Социологиядаги географик мактаб намёндалари жамият тараққиётини белгиловчи икки омилни кўрсатишади:

1. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожини.
2. Жамиятни ўраб турган табиий-географик муҳит (иқлим, дарёлар, тупроқ, рельеф ва ҳ. к.)

Жамият тараққиётида ишлаб чиқарувчи кучлар фаол ўрин тутиши кўпинча унинг аҳамиятига бўлган эътиборнинг ошишига сабаб бўлади. Ҳақиқатан ҳам жамият тараққиётида ишлаб чиқариш кучлари жудаям муҳим ўрин тутиши

ҳамма учун рад қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Аммо ишлаб чиқариш кучларининг аҳамиятига бўлган эътиборнинг ошуви фақат шу билангина белгиланмайди.

Ишлаб чиқариш кучларининг жамият ҳаётида тутган ўрни географик омилга нисбатан кўзга тезроқ ва яққолроқ ташланиши ҳам кўп ҳолларда айрим тадқиқотчилар томонидан ушбу омилга эътиборнинг ошишига сабаб бўлади. Жамият тараққиётининг иккинчи омили-географик омил кўп ҳолларда бир қарашда кўзга ташланавермайди, яъни унинг тараққиётга кўрсатувчи таъсирини ҳаммаям ҳаммавақт пайқайвермайди. Географик муҳит жамият тараққиётида пассив ўрин тутсада, аммо унинг аҳамиятини асло камситиб бўлмайди.

Жамият тараққиёти ҳақидаги назариялардан бири-социологиядаги географик мактаб асосан XVIII асрга келиб шаклланди. Бу мактаб намоеъналарининг дастлабки қарашлари анчагина содда эди. Масалан, Ш.Монтескье иқлим кишиларнинг феъл-атворида тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади деган фикрни илгари сурган эди: “Иссиқ мамлакатлар халқлари қариялар каби журъатсиз, совуқ мамлакатлар халқлари эса ёшлар каби дадил бўладилар”. [5]

Гарчи, ҳар бир мамлакатга хос бўлган иқлим мазкур мамлакат тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши кўпчилик учун аён кўриниб турган бўлсада, аммо ана шу иқлим-яъни табиий шарт-шароит тараққиётга қайси воситалар билан таъсир кўрсатиши анча замонлар аниқланмай қолаверди.

Эрих Фромм фикрича иқтисодий базис ҳамда жамиятда шаклланувчи сиёсий усткурма-давлатчилик, мафкура, диний қарашлар, маънавий қадриятлар тизими ўртасидаги боғловчи вазифасини ижтимоий характер бажаради.

Хўш, ижтимоий характер қандай қилиб базис ҳамда маънавий қадриятлар, маданият орасидаги боғловчи вазифасини бажаради?

Бу саволга жавоб топиш учун миллий менталитет ўзи нима деган масалага яна бир бора қисқача бўлсада тўхталиб ўтишимизга тўғри келади.

ХУЛОСА

Бизнинг фикримизча миллий менталитетнинг асосини ижтимоий характер ташкил қилади. Қоида тариқасида ижтимоий характер миллий менталитетнинг англолмаган қисмидан иборатдир. Чунки, ижтимоий характер аввалги бобларимизда айтиб ўтилганидек, ишлаб чиқариш усулининг хусусиятлари ва талаблари асосида пайдо бўлади ҳамда жамият аъзолари томонидан ғайришуурий тарзда, ўйлаб ўтирмасдан бажариладиган ҳатти-ҳаракатлар, фикрлаш тарзи ва ҳоқозолардан иборат бўлади. Ижтимоий характернинг маълум бир жамият аъзолари учун умумийлиги, унинг шу жамият аъзолари учун табиий

қабул қилиниши унинг шу жамиятда эътибордан четда қолишига, яъни анланмаган ҳолда қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам миллий менталитетнинг ана шу қисми-бизнинг фикримизча энг асосий ва муҳим қисми миллий менталитетнинг анланмаган қисми дейилади.

Ижтимоий характернинг жамиятдаги функцияси ҳақида юқорида айтиб ўтилди, яъни унинг жамиятда бажарадиган функцияси шу жамият аъзоларининг хатти-ҳаракатлари ва энергиясини шу жамият учун керакли йўналишга йўналтиришдан ибратдир.

Иқтисодиётида суғорма деҳқончилик устувор бўлган жамиятлар аҳолиси ижтимоий феъл-атвориға хос бўлган итоаткорлик, ўзаро мурасасозлик, андиша, миллий ва диний бағрикенглик нисбатан барқарор, иқтисодий, маданий, маънавий жихатдан юксак бўлган жамиятлар барпо бўлишига олиб келди. Бундай жамиятлардаги барқарорлик иқтисодий фаровонлик, илм-фан, санъат, маданиятнинг юксалишига сабаб бўлади. Ўрта асрларда ватанимиз сарҳадларида илм-фаннинг гуллаб-яшнаганлиги, халқ фаровонлигининг ошиши, буюк олим-фузалолар, донишмандлар, жаҳон аҳлини лол қолдирган шоирлар етишиб чиққанлигига тарих гувоҳдир.

Иқтисодида лалмикор деҳқончилик етакчи бўлган жамиятларга хос бўлган эрксеварлик, индивидуализм, шахс манфаатларининг биринчи ўринга қўйилиши озодлик, тенглик, инсонпарварлик каби кадриятларнинг эртароқ шаклланишига ва эътибор қозониб жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланишига олиб келди. Мазкур ғоялар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишига қандай таъсир кўрсатганлиги ва қандай натижаларга олиб келганлиги тарихга маълумдир.

REFERENCES

1. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Тренировочные нагрузки хоккеистов в подготовительном периоде. *Фан-спортга*, (4), 33-34.
2. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Физическая работоспособность в годичном цикле подготовительного периода подготовки квалифицированных футболистов. *Фан-спортга*, (3), 10-13.
3. Турсунов, Н. Б. (2017). Деятельность Узбекского государственного института физической культуры в рамках проекта европейского союза ModeNEd Erasmus. *Молодой учёный*, 1, 276.
4. Ражабов, Г. К. (2020). Повышение результативности и надежности соревновательной деятельности квалифицированных боксёров. *Теория и практика физической культуры*, (7).

5. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. *Молодой ученый*, (21), 974-976.
6. Orif, R., Komil, U., Bakhtiyor, K., Raupov, O. K., Sam, D. U., SU, U. K. Z. V., & Khaydarov, B. T. (2018). Dynamics of general and special physical training of experienced female boxers. *European science review*, (7-8).
7. Серебряков, Ю. В., & Исраилова, Ш. (2018). Совершенствование технической подготовки квалифицированных боксеров. *Молодой учёный*, 46(232), 415-417.
8. Azizova, M. M., & Gapparova, A. N. (2021). Communicative language teaching. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
9. Egamnazarova, F. A., & Mukhamedova, M. S. (2021). Improving english language listening skill. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
10. Рустамов, Д. У., & Кенжаева, С. Х. (2021). Значение ролевых игр в формировании коммуникативных компетенций студентов изучающих иностранный язык. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
11. Ли, Т. Г., & Ходжиев, Р. М. (2021). Толкование терминов узбекской национальной борьбы «кураш». *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
12. Tursunboyeva, L. T., & Ashirova, M. F. (2021). Positive teacher- student relations. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
13. Баходир Зокир. “Осиё йўлбарслари”: либераллашувнинг шарқона тажрибаси. Тафаккур журнали. 2012 йил, 2-сон, 15-бет.
14. Баходир Зокир. “Осиё йўлбарслари”: либераллашувнинг шарқона тажрибаси. Тафаккур журнали. 2012 йил, 2-сон, 16-бет.
15. Переслегин С.Б. Понятие менталитета. //www.iqstab.com/matertals. peresleqin/per. Mental.htm.
16. Фромм Э. Душа человека. М-1992 г. стр: 327.
17. Баскин М.П. Ш.Л. Монтескье. М-1975 г. стр: 350.
18. Xabibullayev, S. X. (2020). Жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар организмининг функционал ҳолатини баҳолаш услубияти. *Мугаллим*, 1(4), 148-153.
19. Самандар Хабибуллаевич Хабибуллаев. (2020/10). Футбол бўйича йиллик ва ойлик ўқув машғулотлар иш режасини тузишнинг самарали усули. *Academic research in educational sciences (ares)*, volume 1, issue 2, 325-332.
20. Самандар Хабибуллаевич Хабибуллаев. (2020/11). Жисмоний тарбия дарсларида спорт ўйинлари қоидаларини ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш. *Academic research in educational sciences (ares)*, volume 1, issue 3, 1150-1156.
21. S. X. Xabibullayev. (2020). Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida sport to‘garaklarini tashkil etishning samarali usuli. *Maktab va hayot*, №2, 23-25.